КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

# Ижодий ташаббусни авж олдириб, техникани янада тараққий эттирайлик!



Тошкентдаги Октябрь революцияси номли паровоз-вагон ремонт заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партиямиз Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар.

Бу мусобақада корхонанинг кекса ишчилари бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Суратда: (чапдан) паровоз цехининг слесари О. Муҳамедов, темирчилик цехининг прессчиси Ж. Ғиёсов, паровоз цехининг слесари Ф. Пронин ва иккинчи механика цехининг ишчиси С. Акбаров ўртоқлар ўз иш тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар. В. Салов фотоси.

*

## Зарбдорлар сафи кенгаймоқда

Партиямиз XXI съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш ва аҳолига кўплаб мебель буюмлари етказиб бериш учун курашаётган коллективимиз шу кунларда зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва мавжуд кичик-кичик тарқоқ цехларни бирлаштириш, уларни ихтисослаштириш ва малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, айрим иш процессларини механизациялаш соҳасида қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Натижада ўтган ойлар мобайнида савдо ташкилотларига 1970 та буфет-сервант, 1750 дона юмалоқ ва квадрат столлар, 3 мингтадан кўпроқ диван, 10 минг метрга яқин карниз ва кўплаб тош ойна, ёзув столлари, болалар мебеллари ва шунинг каби аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган буюмлар етказиб берилди.

Меҳнатсевар коллективимиз эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш мақсадида мавжуд ишлаб чиқариш майдонларидан янада тўлароқ фойдаланишга, янги-янги корпуслар қуришга киришди.

Кейинги ойларда коллективимиз орасида ажойиб ишлаб чиқариш илғорлари етишиб чиқдилар. Уларнинг кўпчилиги коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Коммунист Қўчқоров, Мирошниченко, Эрматов, Акимова, Низомиддинов ва Аҳмадалиев каби илғор ишлаб чиқарувчилар бу ҳаракатнинг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Улар кундалик смена топшириқларини 2,5-3 баравардан бажариб, бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар.

Фабрикамизда зарбдорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозир 200 дан ортиқ мебелчи фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг таннархини арзонлаштириш учун мусобақалашмоқда.

**Т. НАЖМИЙ,**
**Тошкентдаги 3- мебель фабрикасининг ишчиси.**

## Янги машиналар ўзлаштирилмоқда

Янгийўлдаги пойафзал фабрикаси ишчилари ва инженер-техник ходимлари ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш учун изчиллик билан кураш олиб бормоқдалар.

Жумладан 3- цехда пойафзалга тагчарм ёпиштиришда мих ўрнига елимдан фойдаланиш, бошлиқ ва дастакни иссиқлик ёрдами билан қолипга тортиш жорий қилинди.

Бундан ташқари бошлиқнинг орқа чокини тикадиган янги машина ишга туширилди. Ана шу биргина машинанинг жорий қилиниши меҳнат унумдорлигини 50 процент оширди. Шунинг учун ҳам фабрика коллективи ана шундай машиналар сонини тобора кўпайтириш учун курашмоқда.

Шу кунларда пойафзалчилар бошлиқни қолипга тортмасдан тикиш методини ўзлаштирмоқдалар. Дастлабки тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ана шу янги метод асосида тайёрланаётган пойафзаллар ўзининг енгиллиги, ихчамлиги ва чиройлилиги билан харидорларнинг мақтовига сазовор бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилган пойафзалчилар шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам баланд руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Улар Пленум очиладиган кунгача пойафзални елимлайдиган цехни тўла ремонтдан чиқаришга аҳд қилганлар.

**А. ҚУРУМБОЕВА.**

## *Ижодкорлар ташаббуси билан*

* Тошкент темир йўл бўлинмасининг старший инспектори ўртоқ Петросов локомотивларнинг контроль постга етиб келиш вақтини аниқ тарзда қайд этувчи яримавтоматни ихтиро қилди. Унинг бу ижодий ташаббуси локомотив контроли постида хизмат қилувчи 4 навбатчини бошқа ишларда фойдаланиб, 17 минг сўм маблағ тежаш имконини берди.

* Тошкент-товар станциясининг нефтекачкасида темирйўлчи ўртоқ Бойгелдиннинг рационализаторлик таклифи асосида цистерналардан ёнилғи бўшатишнинг энг қулай усули жорий қилиниб, маневр ишларига мутлақо вақт сарфланмайдиган бўлди. Натижада иш унуми 40 процент ошди ва цистерналарнинг юк операцияларида туриб қолиш вақти кескин даражада қисқарди.

* Тошкент тепловоз депосининг ходимлари — слесарь Букин ва бош механик Дронов ўртоқлар тепловоз цилиндрлари деталларини тез ва юқори сифатли қилиб пресслаш мақсадида цехдаги мавжуд пресснинг конструкциясини ўзгартириб, унинг қисмларини такомиллаштирдилар. Ижодкорларнинг бу ташаббуси мазкур операцияни қарийб 2 баравар жадаллаштириш билан бир қаторда 8 минг сўм фойда берди.

* Шу депо механика цехининг мастери ўртоқ Арутюнов дизелни динамомашина билан бирлаштириб, тепловозлар учун ферадо дисклари тайёрлаш технологиясини ўзгартирди. Натижада ремонт ишларининг суръати анча ошди, локомотивлар техникавий жиҳатдан мустаҳкамланди. Ўртоқ Арутюновнинг рационализаторлик таклифи бир неча ой ичида 6305 сўмлик маблағ тежашга имкон берди.

* Ангрен станциясининг тарозибонлари Гальченко, Коблова ва станция бошлиғининг ёрдамчиси Шодмонов ўртоқлар темир йўл составларидан унумли фойдаланиш учун курашиб, юк ортиш ишига янгилик киритдилар. Улар вагонларга кўмирни призма шаклида зичлаб жойлаштириш усулини ишлаб чиқиб, амалга оширдилар. Эндиликда кўмирнинг турига қараб, ҳар бир вагонга техника нормасига нисбатан 15-20 тонна кўп ёқилғи юкланмоқда. Рационализаторларнинг таклифи ўтган уч ой ичида нормадан ташқари 14 минг тонна юк ортиш ва 700 вагонни тежашга имкон берди.

* Тошкент-товар станциясида юк вагонларининг ичидаги баъзи деталларни олиб ташлаб, қўшимча ярус ўрнатилди. Бу тадбир машина ва механизмлар ортишда катта фойда бераётир. Ҳозир икки ўқли ҳар бир платформага 8 ўрнига 10-12 тадан самоподаватель, ҳар бир тўрт ўқли платформага эса 6 ўрнига 8 та транспортер ортиладиган бўлди.

* Шу станциянинг тарозибони ўртоқ Трофименконинг рационализаторлик таклифи асосида вагонларга унни зичлаб жойлаштириш усули жорий қилиниб, ҳар бир вагонга 48-50 тонна ўрнига 60-62 тонна ун юкланмоқда.

Бу ўртоқларнинг қимматли ташаббуслари қизғин қувватланиб, Тошкент темир йўли магистралининг барча станцияларида кенг қўлланилмоқда.

**Ғ. ИСМОИЛОВ,**
**«Темир йўлчи» газетасининг ходими.**

# Қора металл парчалари йиғиш планини ошириб бажариш учун курашни кенг авж олдирайлик

**Татаристон АССР меҳнаткашларининг Совет Иттифоқидаги барча саноат, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалик ходимларига мурожаати**

КПСС XXI съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган совет халқи СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планининг биринчи йили топшириғини амалга ошириш учун зўр ғайрат билан курашмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг яқинда бўладиган Пленумига тайёргарлик кунлари юксак меҳнат ғайрати ҳамда сиёсий активлик билан нишонланди. Татаристон АССРнинг саноат корхоналари шу йилнинг беш ойлик планини анчагина ошириб бажардилар. Кўпгина заводларда, фабрикаларда, қурилишларда меҳнаткашлар коллективлари ярим йиллик программани КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очиладиган кунгача туғаллаш мажбуриятини олдилар.

Бизнинг улуғ Ватанимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларини янада қудратли суратда тараққий эттириш йўлидан дадил бормоқда. Етти йиллик планни бажариш натижасида СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини, яъни аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга тарихан қисқа муддатларда етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини амалга оширишда ҳал қилувчи қадам қўйилади.

Ана шу улуғвор вазифани бажариш жуда катта моддий ресурсларни талаб қилади. Бунда қора металлар жуда муҳим роль ўйнайди. Халқ хўжалигига тобора кўпроқ миқдорда пўлат, чўян, прокат, трубалар ва металлургия саноатининг бошқа маҳсулотлари талаб қилинмоқда.

Мамлакатда мавжуд бўлган металл парчаларининг катта ресурсларидан металлургия ишлаб чиқаришида энг тўла равишда фойдаланиш металл ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Биз шуни биламизки, ишлаб чиқарилаётган ҳамма пўлатнинг деярлик ярми металл парчалари ҳисобига эритилмоқда. Шунинг учун ҳам металлургия корхоналари меҳнаткашларининг қўшимча равишда қора металлар ишлаб чиқариш юзасидан олган мажбуриятлари кўп жиҳатдан ана шу корхоналарнинг қора металл парчалари билан қанчалик тўлиқ ва ўз вақтида таъминланишларига боғлиқдир. Қўшимча равишда эритилган металл кўп унум берадиган янги станоклар, асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналари тайёрлаб чиқариш, нефть ва газ саноати учун трубалар ишлаб чиқариш, янги корхоналар барпо этиш ҳамда ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, шунингдек мамлакатимизда кенг қулоч ёйган уй-жой қурилиши планининг бажарилиши учун ишлатилади.

Республикамизнинг меҳнаткашлари металл ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишида металл парчаларининг катта аҳамиятга эга эканлигини чуқур тушуниб, ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқдилар ҳамда 1959 йилда планда кўзда тутилган 200 минг тонна ўрнига 400 минг тонна металл парчалари йиғиш ва ортиб юбориш мажбуриятини олдилар. Татаристон иқтисодий маъмурий районини халқ хўжалиги кенгашининг саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари бу йил планда белгиланган 109 минг тонна ўрнига 210 минг тонна темир-терсак; колхозлар, совхозлар, РТСлар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа корхоналари планда белгиланган 22,6 минг тонна ўрнига 60 минг тонна металл парчалари берадилар; матлубот кооперациясининг ташкилотлари планда белгиланган 3,5 минг тонна ўрнига 8 минг тонна металл парчалари тайёрлайдилар. Темир йўл ва сув транспорти, РСФСР Қурилиш министрлиги ва бошқа министрликлар ва бошқармалар корхоналарининг коллективлари металл парчалари топширишни анча миқдорда кўпайтирадилар.

Партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг саноат ва қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган қора металл парчаларини аниқлаш юзасидан ўтказган ишлари республикада металл парчалари йиғишни анча кўпайтириш ва уларни саноатга етказиб бериш учун имкониятлар борлигини кўрсатди. Заводларнинг, совхозларнинг, колхозларнинг, РТСларнинг территорияларида, қурилиш майдончаларида, темир йўл станцияларида ва темир йўл бўйларида, дарё пристанларида ҳамда турар-жой кварталларида катта миқдорда фойдаланилмаётган металл парчалари бор. Ҳисобдан чиқарилган, маънавий эскирган ҳамда ишлаб чиқариш аҳамиятини йўқотган ускуналар ва машиналар узоқ вақтларгача айрим қисмларга ажратилмайди ва металлургия заводларига ортиб юборилмайди. Кўпгина металл парчалари ташланиб, абадий йўқ бўлиб кетади. Кўпгина ҳолларда металл чиқиндиларидан металл бўлмаган материаллардан ясалиши лозим бўлган турли хилдаги панжаралар, кўча чироқларининг устунлари, гаражлар ва бошқа иншоотлар ясаш учун исрофгарчилик билан, эгасизларча фойдаланилмоқда.

Биз шунга аминмизки, бошқа республикаларда, ўлкаларда ва областларда ҳам қора металл парчаларини йиғишни кўпайтириш соҳасидаги имкониятлар биздагидан кам эмас. Шунинг учун ҳам биз металл парчалари йиғиш ва уларни металлургия саноати учун жўнатиш юзасидан план топшириқларини анча ошириб бажариш учун социалистик мусобақага қўшилишга чақириб, саноат, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига мурожаат қиламиз.

Биз шунга аминмизки, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари бизнинг чақириғимизни кенг равишда қўллаб-қувватлайдилар.

**Мажбуриятлар Татаристон АССРдаги корхоналар ва ташкилотлар меҳнаткашлари коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.**

# Советлар мамлакатининг меҳмонлари

Нефть ва кимё саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг таклифи билан келган Венесуэла, Чили, Аргентина ва Ироқ касаба союзларининг делегациялари Совет Иттифоқида икки ҳафта бўлдилар. Чет эллик меҳмонлар Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг турмуши билан ва СССР касаба союзларининг ишлари билан танишдилар, мамлакатнинг бир қанча шаҳарларидаги кимё заводлари, нефть конлари ва нефтни қайта ишлаш корхоналарида бўлдилар.

Делегатлар ватанларига жўнаб кетиш олдидан қўшма баёнот топширдилар. Бу баёнотда бундай дейилади: «Бизнинг Совет Иттифоқига қилган сафаримиз натижасида биз мамлакатларимизнинг СССР халқларига яқинлашуви зарурлигини тушундик, бизлар тинчлик учун курашнинг энг муҳим шакли бўлган меҳнаткашлар бирлиги учун курашни кучайтириш зарурлигини ҳам англадик... Бизлар шунга иқрор бўламизки ва бу ҳақда ҳаммага эшиттириб айтамизки, Совет Иттифоқига сафаримиз мамлакатларимизнинг тараққиёти учун, ишчилар синфи қудратли кучларига бўлган ишончимиз ҳамда адолат, озодлик ва маданият асосида умумий бахт-саодатга эришиш учун кураш олиб бораётган барча кучлар ҳамкорлигининг аҳамиятига бўлган ишончимиз мустаҳкамланди. Ғалабамиз бирликдадир!»

Сталинградда қаҳрамон шаҳар меҳнаткашларининг хитой-совет дўстлиги жамиятининг делегацияси билан учрашув кечаси бўлди. Кечада ҳозир бўлганлар улуғ хитой халқининг вакиллари залга кириб келганида, уларни самимий табрикладилар.

Трактор заводи мосланмалар цехининг бошлиғи Г. Смойш, «Красний Октябрь» металлургия заводининг инженери А. Милованов ва медицина институтининг доценти А. Карпов хитойлик дўстларни қизғин табрикладилар.

Сталинградликлар делегация бошлиғи профессор Цао Цзин-хуа минбарга чиққанида уни самимий табрикладилар.

— Сталинград — ғалаба символидир,— деди у.— Бу ерда фашист босқинчилар тор-мор келтирилди, бу эса дунё тақдири учун катта аҳамиятга эга бўлди. Сиз кўрсатган қаҳрамонлик душман билан курашда хитой халқига куч-қувват бағишлади. Биз Сталинград ҳақида ўйлаганимизда, бу туйғу бизларда социализм қуриш йўлидаги ҳар қандай қийинчиликларни ва тўсиқларни енгиб ўтиш истагини туғдиради.

Делегация бошлиғининг ўринбосари Бай Яньнинг нутқи ҳам зўр эътибор билан тингланди.

Кеча ғоят қизғин ва самимий вазиятда ўтди.

Делегация Сталинграддан Ленинградга жўнаб кетди. Хитойлик меҳмонлар Ленинградда беш кун бўлиб шаҳарни томоша қиладилар, йирик корхоналарга борадилар, совет-хитой дўстлиги жамияти Ленинград бўлимининг активлари билан учрашадилар. (ТАСС).

## АВТОМАТИК ОПТИМИЗАТОРЛАР

**СССР Фанлар академияси автоматика ва телемеханика институтининг илмий ходимлари Р. И. Стаховский, А. А. Фельдбаум, Л. Н. Фицнер оригинал ҳисоблаш асбоблари — автоматик оптимизаторлар конструкциясини ишлаб чиқдилар. Бу янги асбобнинг асосий вазифаси металлургия, химия, машинасозлик ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида автомат равишда технология процессларининг энг яхши режимларини топишдир.**

# РЕЗЕРВЛАР ҲАҚИДА СУҲБАТ

Тошкент тепловоз депосининг катта қизил бурчагига 200 дан ортиқ машинист, машинист ёрдамчилари, ремонтчилар ва бошқа темир йўлчилар йиғилишди. Улар бу сафар депо бош инженери, агитатор Ю. З. Перельманнинг депо коллективи олган социалистик мажбурият қандай бажарилаётганлиги ва ички резервлар ҳақидаги суҳбатини тинглаш ҳамда шу масалани муҳокама қилиш учун тўпландилар.

Бош инженер минбарга чиқади. Залда жимлик. Ўлтирганларнинг кўпи ён дафтарча ва қаламини ҳозирлаб, бутун эътиборини агитаторга қаратади.

— Етти йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши,— деб бошлайди суҳбатни ўртоқ Перельман,— кўп жиҳатдан хўжаликнинг ҳамма соҳаларига янги техника ва илғор технологиянинг қанчалик қатъият билан ва планли равишда жорий этилишига боғлиқ. Техникани тараққий эттиришга партиямиз қанчалик катта эътибор бераётганини ва бу йўл изчиллик билан амалга оширилаётганлигини биз темирйўлчилар мамлакатимиз, жумладан бўлимимиз транспорт хўжалиги мисолидаёқ яққол кўриб турибмиз. Яқин-яқинларда темир йўл транспортида паровозлар асосий локомотив бўлган бўлса, эндиликда улар ўрнига қудратли тепловоз ва электровозлар юк тортувчи асосий восита бўлиб қолди. Транспорт хўжалигининг бошқа соҳаларига ҳам янги техника ва илғор технология кенг кўламда жорий этилмоқда. Бу муҳим ва шарафли ишни амалга ошириш сизлар билан бизга ишониб топшириб қўйилган. Бизлар қанчалик кўп ғайрат ва ташаббус кўрсатсак, янгилик учун изчил кураш олиб борсак, хўжаликни юксалтириш соҳасида шунчалик кўп муваффақиятларга эришамиз.

— Ҳаммангизга маълумки,— деди у сўзида давом этиб, — машинист секундларни тежаш ҳисобига кўпроқ юк ташиш, составни белгиланган жойга муддатидан олдин етказишга ҳаракат қилади, аммо вагонлардаги юк қўлда тушириб олиниши сабабли состав бир неча соат тўхтаб туради.

— Бунақа ножўяликлар жуда кўп,— дейди ўтирганлардан бири.

— Тўғри, бундай мисолларни кўп учратиш мумкин. Бу аҳволни яхшилашнинг бирдан бир йўли темир йўл хўжалигини комплекс механизациялашдан, яъни асосий ва ёрдамчи ишларнинг ҳаммасини машина ва механизмлар, автоматлар ёрдамида бажаришга ўтишдан иборатдир. Комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш транспортдагина эмас, балки социалистик халқ хўжалигимизнинг ҳамма соҳаларида ғоят катта аҳамиятга эга бўлганлиги учун ҳам партия Марказий Комитети бу масалани яқинда бўладиган Пленумда муҳокама қилмоқчи.

Депо коллективи мавжуд техникадан максимал фойдаланиш ва технология процессларини такомиллаштириш учун курашда муайян ютуқларни қўлга киритди. Май ойида локомотивлар қатнови суткасига ўрта ҳисобда 20 километр оширилди, локомотивларнинг техника тезлиги эса икки километр оширилди. Тепловоз бригадалари ўтган ойда 1661 марта оғир юкли поезд бошқардилар ва уларда қўшимча равишда 660 минг тоннадан зиёд халқ хўжалиги юкини ташиб бердилар.

— Хўш, бундан биз ҳамма резервлардан тўла фойдаланаяпмиз, деган хулоса чиқариш мумкинми?

— Бе... Резервлар тўлиб-тошиб ётибди,— дейди бир неча киши бир овоздан.

— Ҳақ гап,— деди бош инженер ўтирганларга бир назар ташлаб чиққач,—резервларимиз жуда кўп, улардан тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Мана, қаранг, апрель ойида 22 тонна ёқилғи тежалган эди, май ойида эса бир килограмм ҳам тежалмади. Сулаймонов, Маракаев, Миронов ва Савельев ўртоқлар сингари кўплаб илғор машинистларимиз бор. Булар ойига тонналаб ёқилғи тежаб қолмоқдалар. Лекин ёқилғини ортиқча ишлатиб юбораётган машинистларимиз ҳам анчагина. Агар ҳамма машинистлар ўртоқ Сулаймоновлар сингари ишласа, у ҳолда ҳаракатдаги тепловозларнинг ўзидан ойига 60 минг сўмлик ёқилғи кам сарфлаш мумкин. Шестерин, Клепиков, Красилов, Воинов ўртоқлар шу ерда ўтиришибди. Бу машинистлар апрель ойида белгиланганидан 10 тонна, май ойида 9 тоннага яқин кўп ёқилғи ишлатдилар. Хўш, бир хил локомотивда, бир хил иш шароитида ишланса-ю, нега бошқалар тонна-тонналаб ёқилғи тежаётгани ҳолда бу ўртоқлар ортиқча сарфлашади? Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ, гап ўз ишига қандай муносабатда бўлишда. Астойдил истасалар, бу ўртоқлар ҳам кўплаб ёқилғи тежашлари мумкин.

Ўртоқ Костек ҳар бир сафарда тепловоз рентабеллигини ошириш учун курашиш ташаббусини бошлади. Новатор машинист Костек бригадаси беш ойда 14 тоннадан кўп ёқилғи тежаб қолди. Бу ажойиб ташаббусни ҳамма бригадалар ҳам қўллаши керак.

Оғир юкли поездларни кўплаб бошқариш, — деб давом этади бош инженер, — энг катта резервлардан биридир. Партия XXI съезди шарафига ташкил этилган комсомол-ёшлар колоннаси бу соҳада намунали ишлар қилмоқда. 10 та тепловоз бригадасидан иборат бу колонна ўтган бир ойнинг ўзида 176 та оғир юкли состав бошқарди ва белгиланганидан 76 минг тонна кўп юк ташиди. Улар ҳаммаси бўлиб, 30 минг сўмдан кўпроқ давлат маблағини тежаб қолдилар. Ҳозирги пайтда бошқа бир қанча бригадалар ҳам бу колонна қатнашчиларига эргашмоқдалар. Агар деподаги барча бригадаларнинг комсомол-ёшлар колоннаси сингари ишлашига эришганимизда, биз миллион сўмлаб давлат маблағини иқтисод қилган ва янада кўпроқ халқ хўжалиги юкларини ташиб берган бўлардик.

Ёш машинист ўртоқ Лайшев ҳар бир машинистнинг тежаган материалларини ҳисобга олиб боришнинг ташаббускори бўлди. У депонинг техника бўлими билан мустаҳкам алоқа боғлаб, май ойидаги рейсларининг ўзида 3 минг сўм иқтисод қилди. Йил охиригача бу новатор 13 минг сўмлик маблағ тежаб бериш мажбуриятини олди. Унинг ташаббусига қўшилган Сулаймонов, Солиев, Казенов ўртоқлар ҳам ой сайин 3 — 4 минг сўмлик маблағ иқтисод қилмоқдалар. Афсуски, мана шундай қимматли ташаббус ҳали кенг ёйилганича йўқ. Бунинг учун даставвал депо маъмурияти, партия ва комсомол ташкилотлари, қолаверса мен айбдор.

Бир характерли мисол келтираман. Ченгелди-Тошкент участкасида оғир юкли поездда белгиланганидан 200 тонна ортиқ юк ташишга ўтилса, бўлим ҳар бир состав учун юк ташиш харажатларини 100 сўмдан камайтиришга эришган бўлур эди. Бу рақам жамланса жуда катта суммани ташкил этади.

Локомотивларнинг резерв қатновини юз километр камайтириш бир неча юз сўмлик фойда келтиради. Ваҳоланки ўтган тўрт ой мобайнида резерв қатновини ошириб юбориш орқасида 90 минг сўмдан кўпроқ зарар кўрилди. Бу ерда темир йўл Тошкент бўлимининг ходимлари ҳам суҳбатимизда иштирок этмоқдалар. Бу ўртоқлар мана шу мулоҳазаларимизни ҳисобга олиб, диспетчерлик аппарати ишини қайта қурсалар, яхши бўларди.

— Тўғри! Диспетчерлар регулировкани яхшилашлари, поездлар ҳаракатига маҳорат билан раҳбарлик қилишлари керак. Уларнинг ишида чатоқликлар жуда кўп, — деб тасдиқлашади ўтирганлар.

— Электр қуввати, керосин ва бошқа шу сингари материалларни тежамли сарфлаш учун кураш ҳар бир бригада учун асосий қоида бўлиши керак, — таъкидлади бош инженер. — Артиш учун ишлатиладиган материалларнинг қандай сарфланаётганлигини анализ қилиб кўрдик. Бу йил тўрт ой ичида ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда уч ҳисса кўп материал сарфланибди. Бу ўсиш эмаску, ўртоқлар! Артиш учун ишлатиладиган материалнинг бир килограмми 8 сўм туради. Биз эса тўрт ойда бу қимматли материални тежаб қолиш уёқда турсин, 50 минг сўмлик ортиқча сарфлабмиз.

— Қайси цехга кирманг, артиш материаллари хўжасизларча ташлаб қўйилганини кўрасиз, шундай бўлгач, ортиқча сарфланмасинми? — деди орқада ўтирганлардан бири.

— Бу жуда тўғри, биз яқинда депо бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Муравьев билан бирга даврий ремонт цехидан 10 килограмм артиш материали йиғиштириб олдик. Бошқа цехларда ҳам аҳвол бундан яхши эмаслигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бундай хўжасизликка тезда чек қўйиш керак. Бу фақат маъмуриятнинг ишигина эмас, сизлар ҳам материалларни тежаб-тергаб сарфлаш учун актив курашишларингиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда депомизда фойдаланилмаётган резервлар, кенг оммалаштирилмаган қимматли янгиликлар жуда кўп. Бу ерда мен буларнинг баъзиларинигина айтиб ўтдим. Техникани тараққий эттиришга, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришга, иш вақтини, электр қуввати, ёқилғи ва бошқа материалларни имкони борича кўпроқ тежаб қолишга хизмат қиладиган барча резервларни ишга солиш ва бу соҳадаги ижобий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш — коллективимиз ҳар бир аъзосининг шарафли бурчидир. Депо шон-шуҳратини кўтараман деган киши мана шунга амал қилсин.

* * *

Бу мазмунли ва жонли суҳбат тингловчиларни жуда қизиқтириб юборди. Ўртоқ Перельманга жуда кўп саволлар берилди. Бир неча киши сўзга чиқиб, қимматли мулоҳазалар айтди ва бир қанча конкрет таклифлар киритилди. Масалан, илғор машинист ўртоқ Лайшев Ченгелдидан Тошкентгача поезд қанча вақтда келса, Тошкент-пассажир станциясидан деногача келиш учун ҳам тахминан шунга яқин вақт сарфлайди, бу нормал ҳол эмас, деди ва пассажир станциясидан депога бир соатда локомотивни етказиб келиш имкониятини туғдириш масаласини маъмурият ҳал қилиб берсин, деган таклифни киритди.

Машинист Носиров артиш учун ишлатиладиган материални бир марта эмас, бир неча марта ишлатишни таклиф қилди.

Машинист Муравьев поездларни тез юритиш ва локомотивларнинг резерв қатновини камайтириш тўғрисида диспетчерлар билан коллектив шартнома тузайлик, деди. Шундай қилинса, составларнинг ҳаракат тезлиги анча оширилади.

Мароқли ўтган суҳбат депо коллективининг амалий ишига катта фойда келтирди.

Бу депода мана шундай қизиқарли суҳбатлар тез-тез бўлиб туради.

Суҳбатни ёзиб олувчи
**М. КАРИМОВА.**

# Пойтахт аҳолисини картошка ва сабзавот билан мўл-кўл таъминлайлик

Тошкент шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилашда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари ўртоқ П. М. Сазонов «Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент шаҳар аҳолисини сабзавот ва картошка билан таъминлаш тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида» доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг бу муҳим қарорини бажариш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилганлигини таъкидладилар. Пойтахт атрофидаги 21 колхоз, 5 совхоз ва 56 ёрдамчи хўжалик ўз ишларида кескин бурилиш ясадилар: экин майдонлари кенгайтирилди, илғор агротехника усуллари ўтган йилдагига нисбатан бирмунча кенг жорий этилди, қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этиш ва экинлар парвариши яхшиланди. Натижада шаҳарга ўтган йилдагидан анча кўп эртаги сабзавот ва ҳўл мева етказиб берилди.

Бироқ, сабзавот, картошка ва қовун-тарвуз етиштиришни кўпайтириш соҳасида қилинаётган ишларни ҳали қониқарли деб бўлмайди. Қорасув ва Калинин районлари бўйича ўртаги ва кечки экинлар экиш плани шу кунгача бажарилгани йўқ. 15 июнга қадар Калинин районида белгиланганидан 514 гектар ерга картошка, 574 гектар ерга карам, 394 гектар ерга сабзи, 96 гектар ерга бодринг кам экилди. Қорасув районида ҳам картошка, карам, лавлаги, сабзи, бодринг экиш плани бажарилмади. «Назарбек», «XXI партсъезд» совхозларида, Охунбобоев номли, «XVIII партсъезд» ва Сталин номли колхозларда экинларни ўз вақтида экиш ва парвариш қилиш ишлари чўзиб юборилаётир.

Калинин райони билан мусобақадош бўлган Самарқанд областининг Самарқанд райони ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи ўртоқ Олчинбоева Калинин районида ҳаммаси бўлиб 960 гектар ердаги картошка парваришдан қолганлигини айтди.

— Биз кўпгина колхозларда, — деди у, — сабзи, пиёз, помидор ва қовун-тарвузлар ўт босиб ётганини кўрдик. Бир қанча бригадаларда экинлар оби-тобида чопиқ қилинмаётир. Баъзи бригадаларда культивация агротехника қоидаларига хилоф равишда ўтказилмоқда. Айниқса шундай катта бир район далаларида атиги 2 та трактор ишлаётганлигини кўриб ҳайратландик. Наҳотки, бу ердаги ўртоқлар механизацияни кенг қўлланишнинг нафини шу пайтгача тушуниб етмаган бўлсалар!

Меҳнатни ташкил этиш, ҳисобга олиш, сифат устидан контролни кучайтириш, колхозчиларга аванс бериб туриш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар кўп экан.

Ўртоқ Олчинбоева район колхоз ва совхозларида ток парвариши мутлақо қониқарсиз бораётганлигини ҳам айтди.

Қорасув район ижроия комитетининг раиси Убайдуллаева, Калинин район ижроия комитетининг раиси Носиров ўртоқлар ўз районлари адресига айтилган танқидий мулоҳазаларни эътироф этиб, уларни тезда тугатиш тўғрисида район меҳнаткашлари номидан ваъда бердилар.

1- пойафзал фабрикаси партия ташкилотининг секретари Кондратьев ва паровоз-вагон ремонт заводи директорининг ўринбосари Болдак ўртоқлар ўз оталикларидаги колхозларга қандай ёрдам бераётганликларини айтиш билан бирга, саноатчиларга арзон баҳода сабзавот ва картошка етказиб бермаётганликлари учун айрим колхоз раҳбарларини танқид қилдилар.

Калинин районидаги «XX партсъезд» колхозининг раиси ўртоқ Пўлатов минбарга чиқиб, артель аъзолари йил охиригача белгиланганидан 500 тонна кўп картошка етказиб бериш учун курашаётганликларини айтди.

«XXI партсъезд» совхози трактордалачилик бригадасининг бошлиғи, новатор-механизатор ўртоқ Муҳиддиновга сўз берилади. У, сабзавотчиликда кетмонни сиқиб чиқариш, асосий ишларни механизациялаш юзасидан қилаётган ишлари ҳақида гапириб берди. Бу бригада 2 гектар ердаги карамни шу усулда ишлаш натижасида ҳар килограмм карамнинг таннархи 12 тийинданга тушган ва совхозга 64 минг 590 сўм даромад келтирган.

Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Бобоев шаҳар атроф колхоз ва совхозларида илғор агротехника қоидаларини жорий этиш ва машиналардан фойдаланишдаги жиддий камчиликларни очиб ташлади. У, мана шу масалаларда консерваторлик қилаётганлиги учун Калинин район партия комитети ва район ижроия комитетининг раҳбарларини ҳамда қатор колхозларнинг раисларини қаттиқ танқид қилди. Механизацияга ва илғор агротехникага менсимай қаралаётганлиги туфайли район колхозларидаги эртаги экинлар Қорасув районидаги колхозларникига нисбатан 15 — 16 кун кеч етилаётир.

Хўжалик ҳисобига ўтиш беҳад афзал эканлигига қарамай Калинин ва Қорасув районларидаги колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу ишга паст назар билан қараб келмоқдалар. Бундай жиддий камчиликларга тезда барҳам бериш керак.

Йиғилиш қатнашчилари савдо ташкилотлари ва колхозларнинг сабзавот дўконлари ишидаги камчиликларни ҳам танқид қилдилар.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан кенг қарор қабул қилинди.

## Агитаторлар йиғилиши

Янгийўл шаҳридаги Ворошилов номли маданият ва истироҳат боғида яқинда шаҳар ва район агитаторларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, агитпункт мудирлари, агитаторлар иштирок этдилар.

Янгийўл район партия комитетининг секретари ўртоқ Тошматова оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилаш тўғрисида доклад қилди. Докладдан сўнг бир қанча агитколлективларнинг бошлиқлари, бошланғич партия ташкилотининг секретарлари ва агитаторлар сиёсий агитацияни ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш соҳасидаги ўз тажрибаларини айтиб бердилар.

Йиғилиш район ва шаҳарда оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгилади.

**В. БОБОХОНОВ.**

## МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ СЕМИНАРИ

Тошкент область маданият бошқармаси маданият уйлари директорларининг ўн кунлик семинарини ўтказди. Семинарда КПСС XXI съездининг тарихий қарорларига бағишланган лекциялар тингланди. Шу билан бирга клуб, кинотеатр, кутубхоналар ишини яхшилаш, колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларини сиёсий агитация ва маданий дам олиш марказига айлантириш, деворий газета, «Жанговар варақа»ларни чиқаришга бағишланган темаларда ҳам доклад ва лекциялар тингланди.

Семинар қатнашчилари яхши тажрибаларни ўрганиш мақсадида Тошкентдаги маданият саройлари, ишчи клубларининг фаолияти билан танишдилар, Ўзбекистон халқлари тарихи, табиёт ва Ўзбекистон давлат санъат музейларига экскурсияга бордилар.

**З. АХТЯМОВА.**

### ЯНГИ МЕДПУНКТ

Янгийўл районидаги Свердлов қишлоқ Совети ҳузурида янги медицина пункти очилиб ишга туширилди. Натижада шу атрофдаги қишлоқ меҳнаткашлари учун катта қулайлик туғилди. Эндиликда улар беморни даволатиш учун узоққа бормайдилар. Медицина пункти зарур асбоб-ускуналар, дори-дармонлар ва мутахассис ходимлар билан таъминланган.

**В. Маҳаматов.**

### МАКТАБДА КИНОАППАРАТ

Қорасув районидаги Пушкин номли 12-мактаб дирекцияси ўқувчилар учун киноаппарат сотиб олди. Ана шу киноаппарат орқали мактаб залида қишлоқ хўжалигидаги илғор тажрибалар, политехника таълими яхши йўлга қўйилган мактабларнинг намунали ишлари ва бошқа темаларда суратга олинган илмий-оммабоп фильмлар намойиш қилинмоқда.

## Пискент районида

### МЕҲМОНХОНА ҚУРИЛМОҚДА

Район марказида қурилаётган икки қаватли типовой меҳмонхона битиш олдида турибди. Меҳмонхонанинг биринчи қаватида район омонат кассаси жойлашади. Иккинчи қаватида эса 25 ўринли номер бўлади.

### ЯНГИ НОНВОЙХОНА

«Пискент» совхозининг ишчи кооперацияси электрлашган нонвойхонани битказиб, ишга туширди. Нонвойхона кунига 6 — 8 тоннадан нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

### БОЗОР УЧУН БИНОЛАР

Район марказида янги бозор қуришга киришилди. Бу бозорни қуриш учун 209 минг сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда бозордаги асосий бинолар битай деб қолди.

### ЁППАСИГА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ

Яқинда Украина ССР нинг Запорожье областидан минг киловатт қувватга эга бўлган трансформатор келтирилди. Бу трансформаторнинг ишга туширилиши «Пискент» совхозининг барча бўлимларини, Жданов номли, Хрушчев номли колхозларни тўла электрлаштиришга имкон беради.

### ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИ

Бу йил район пионерларини соғломлаштириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Калинин номли, «Гулистон» колхозларида, шунингдек Оҳангарон ўрмон хўжалигининг хушманзара жойларида янги пионер лагерлари ташкил этилди. Пионер лагерларида икки сменада 500 бола дам олади. Шунингдек райондаги барча колхозларда болаларни соғломлаштириш майдончалари қурилмоқда. Шу тадбирларнинг амалга оширилиши ўтган йилдагига қараганда икки баравар кўпроқ пионерларнинг дам олишларига имкон беради.

**А. ИСМОИЛОВ.**

## Студентлар ётоқхонаси

Ўрта Осиё Политехника институтининг Ульяновская кўчасига жойлашган 2- ётоқхонасига киришингиз билан ҳамма нарсада студентларнинг қўли борлигини сезасиз. Мана студент Самарцев вахтерлик вазифасини бажармоқда. 3- қаватдаги 64- хонага кирсангз, химё-технология факультетининг IV курс студенти Б. Жамолованинг хонани озода, саранжом-саришта қилиш учун куйиб-пишиб ишлаётганлигини кўрасиз. «Пахтакор» стадиони томонидан келаётган ёқимли шабада эндигина ювилган полни қуритаяпти...

Бу ётоқхонада студентлар ўзларига-ўзлари хизмат қилишни яхши йўлга қўйишган. Натижада кўпгина штатлар қисқариб, давлатга катта фойда етказилди, студентлар эса хона, коридор ва биноларни тартибли, озода тутадиган, ўз меҳнатларининг қадрига етадиган бўлдилар.

**Қ. АҲМЕРОВ.**

# Юлиус Фучик

**(ТЎГАРАК АЪЗОЛАРИ ТЎПЛАГАН МАТЕРИАЛЛАР)**

**«Ҳеч қандай муболағасиз шуни айтишим мумкинки, мен Ўзбекистонга ошиқ бўлиб қолдим».**

Бу сўзлар қаҳрамонларча ҳаёти коммунизм идеяларига содиқликнинг ажойиб намунаси бўлиб қолган чех ватанпарвари, ёзувчи ва журналист Юлиус Фучикнинг ўткир қалами билан ёзилган. Унда социалистик Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббат, қардошлик, биродарлик туйғулари жаранглаб турибди.

Тошкентдаги Низомий номли давлат педагогика институтининг адабиёт факультетида ташкил қилинган Юлиус Фучик тўгараги журналистнинг Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда бўлишига доир қимматли маълумотлар ва фотосуратлар тўплади. Тўгарак аъзолари Ўрта Осиёнинг Юлиус Фучик бўлган жойларига бориб, у учрашган кишилар билан суҳбатлашдилар. Фучикнинг рафиқаси Густа Фучикова билан бўлган учрашув ҳам тўгарак учун қимматли маълумотларни берди. Биз қуйида Фучикнинг Тошкентда бўлишига доир тўпланган материаллардан газетхонларни хабардор қилмоқчимиз.

— Юлэк биринчи марта Тошкентга 1930 йилда, июнь ойининг ярмида Чех ишчилар делегацияси билан бирга келган эди, — дейди Густа Фучикова. — Эсимда бор, у ўз ватанига қайтгач яшнаган Тошкент шаҳри ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилган эди.

Ана шу сафар вақтида Чех делегацияси 1930 йил 27 июнда «Правда Востока» газета редакциясида ҳам бўлган. Редколлегия аъзолари билан суҳбатда, Фучик республикадаги социалистик қурилиш муваффақиятларидан ҳайратда қолганлигини айтган. Делегация редакцияга табрик хати ёзиб қолдирган. Бу хатга Фучик имзо чеккан эди.

Чех ёзувчиси ва унинг ҳамроҳлари Тошкентдаги механика заводи, кўн заводи, «Қизил тонг» фабрикаси, Троицкийдаги дам олиш уйи ва «Пахтаорол» совхозида ҳам бўлганлар. Шундан сўнг, Тошкент меҳнаткашларининг Чехословакия ишчи делегацияси билан учрашуви бўлган. Меҳнаткашлар меҳмонларга Ўзбекистон пойтахти корхоналарида социалистик мусобақанинг боришини сўзлаб берадилар. Делегация аъзолари эса буржуазия ҳукмрон бўлган Чехословакияда ишчилар оғир аҳволда яшаётганликларини айтадилар.

Фучик коммунистик газета «Руде Право»нинг мухбири сифатида 1934 йилда Тошкентга иккинчи марта келади. У Навоий номидаги халқ кутубхонасида соатлаб ўтириб, Ўрта Осиё тўғрисидаги ёзилган китобларни ўқиди, республика ҳаёти билан танишди. Юлиус Фучик бу сафарги саёҳатида «Чирчикстрой» ва Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам бўлади. Бу ҳақда журналист 1935 йил октябрида Тошкентга учинчи марта келганида «Литературний Узбекистан» журнали редакциясида бўлган қабул маросимида гапирган эди

— Ўтган йил декабрида, — деб ҳикоя қилган эди у журнал ходимларига, — мен тўқимачилик комбинатида комсомол аъзоси Болтабоева билан танишишга муяссар бўлган эдим. У ўтакетган тортинчоқ қиз эди. Ўтган куни Ўзбекистон хотин-қизлари

## Тошкентда

съездида (шу кунлари Тошкентда меҳнаткаш ёш хотин-қизларнинг I съезди ўтаётган эди. Фучик шу съездга меҳмон бўлиб келади — Г. Н.) республиканинг энг яхши парашютчиларидан бири билан таништиришди. Бу жўшқин, ўткир ақлли, ҳаётга кенг муҳокама билан қаровчи қиз эди. Бирдан у менга« Биз Сиз билан... тўқимачилик комбинатида танишганмиз-ку», деб қолса бўладими. Ана шундагина мен уни комсомол қиз Болтабоева эканлигини танидим. Инсон 9 ой ичида маънавий жиҳатдан шу қадар ўсипти, таниб бўлмас даражада ўзгарипти!».

Мамлакатимизнинг содиқ дўсти Чирчиққа яна борганида бир ёш ўзбек йигити билан суҳбатлашиб қолади. Бу йигит қурилишга кочегар ёрдамчиси бўлиб келади, сўнгра кочегар бўлади, кейинчалик машинист ёрдамчиси ва ниҳоят экскаваторни мустақил бошқарабошлади. Фучик ана шу ўзбек йигити тимсолида ер юзида биринчи социалистик давлатни барпо этган совет кишиларининг жуда тез ўсиб бораётганини кўрган эди.

1935 йил ноябрь ойида Фучик Қирғизистондан қайтаётиб, Тошкентга сўнгги марта келади. Худди шу кунларда республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган эдилар. Ана шу «оқ олтин» усталарига атаб журналист «Биз колхозчилар — миллионерчилар» сарлавҳали очерк ёзади. Бу очерк «Руде право» газетасида биринчи марта 1955 йил 22 декабрда босилиб чиқади. Ёзувчи «Ўрта Осиё экзотикаси» деган энг яхши очеркини Тошкентга бағишлайди. Бунда у Тошкентнинг биз яшаб турган шу кунги истиқболлари ҳақида ёзган эди.

Юлиус Фучик Ўзбекистон ҳақида очерклар китобида Совет ҳокимияти йилларида ўзбек халқининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятларини акс эттирмоқчи эди. Аммо у ўзининг бу орзусини амалга оширолмади. 1938 йилда Чехословакияни немис фашистлари оккупация қиладилар. Компартия ва унинг Марказий Комитети яширин ишга кўчади. Марказий Комитет аъзоси Фучик ҳам яширинишга мажбур бўлади. Аммо фашист айғоқчилари уни қўлга туширадилар.

— Юлиус бир ярим йил ўлимни кутди,— деб ҳикоя қилади Густа Фучикова,— аммо сира ҳам руҳан тушкинликка тушмади, чунки фашизм билан бўлаётган бу ҳаёт-мамот курашида Совет Иттифоқининг ғолиб чиқишига бутун вужуди билан ишонарди.

...Орадан анча йиллар ўтди. Чех халқининг шонли ўғли Юлиус Фучик сайр этиб, мафтун бўлган Тошкент қиёфаси жуда ўзгариб кетди. Аммо пойтахт кишиларининг мамлакатимиз дўсти, саботли коммунист, ленинчи журналист Фучикка бўлган ўша ҳурмати, муҳаббати қалблардан ҳамон чуқур жой олиб турипти.

**Г. НАБОЙШЧИКОВ.**

«УРТЎҚМОҚ» ТОШКЕНТ ЧОЙХОНАЛАРИДА

# Киройи чойхона бўлгандан кейин...

Пойтахтимизда жуда кўп чойхона ишлаб турибди. Буларнинг ичида меҳнаткашларга намунали маиший хизмат кўрсатаётган, хушбўй чой дамлаб оммавий-тарбия ишларини мунтазам олиб бораётган чойхоналар ҳам бор. Жумладам Тахтапулдаги кексалар чойхонасини олайлик. Бу чойхонанинг таърифи ҳаммага маълум. Бу ерда чойхўрларнинг маданий дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Октябрь район ошхоналар трестининг 28-ошхонасига қарашли 36-чойхона ҳам маҳалла аҳолисига яхши хизмат қилмоқда. Бу ерда фақатгина чой сотиш билан чекланиб қолмай, тез-тез оммавий тадбирлар ҳам ўтказиб турилади. 84- мактаб бу чойхонани оталикка олган. Мактабнинг Ҳамдамов, Акромова, Акромов сингари ўқитувчилари чойхонада турли темаларда тез-тез суҳбат ўтказиб туришади.

Афсуски, шу билан бирга пойтахтимиздаги кўпгина чойхоналарнинг иши ғоят ачинарли аҳволда, буни қуйидаги мисолларда кўрасиз.

### ТОМ БОШИДА БЕЛИ БОЙЛИҚ СУПУРГИ

Бир вақтлар ўзининг шинам қизил чойхоналари, лаззатли миллий таомлар тайёрланадиган ошхоналари, тандир сомсалари билан машҳур бўлган «Дом деҳқон»ни ҳозир нима деб аташга ҳам ҳайронсиз. Култепа десангиз атрофида биноидек магазинлар, базалар, чойхона, яна аллақанча муассаса ҳам бор.

Агар сиз анҳор бўйидан «Дом деҳқон»нинг ичкарисига кирсангиз ҳайрон қоласиз, ҳайрон бўлсангиз ҳам майли, лекин Октябрь район санитария инспекцияси (бошлиғи ўртоқ Семкович) ҳам, ўт ўчириш командаси (бошлиғи ўртоқ Раҳмонов) ҳам, участка милицияси (ўртоқ Эргашев) ҳам «билмаган» сирларни билиб оласиз (лекин гап шу ерда қолсин, агар уларнинг қулоғига бориб етгудек бўлса, бу ердагиларни «безовта» қилишади-я). Анҳор ёқалаб ичкарига кирсангиз бу ерларда санитария қоидаларига бутунлай тўғри келмайдиган аҳволга дуч келасиз

Қирғоқдан ташланган ахлатлар анҳорнинг ярмига бориб қолган (сувга қўшилиб оқиб кетаётгани бу ҳисобга кирмайди). «Дом деҳқон»нинг у ер бу ерига қўнқайтирилган санитария ва ўт ўчириш йўсуни билан ҳам, архитектура жиҳатидан ҳам қуюшқонга сиғмайдиган, йўнилмаган ёғоч тахталардан «бежаб» қўйилган катаксимон бинолар ҳақида гапирмай қўя қолайлик. Шу бинолардан ортиб қолган майдон култепани эслатади. Неча йиллардан бери офтобда қовжираб кетган қинғир-қийшиқ яшиклар, темир-терсаклар уюлиб ётибди. Тўп-тўп ахлатлар-ку, инчунин. Бу яқин ўртада супурги кўрмаган очиқ саҳнда қоғоз парчалари, қипиқлар, пахта толалари, шиша ва чинни синиқлари ер бетига кун туширмайди. Ҳалиги катаксимон бинолардан бирининг томида ўнтача бели бойлиқ супурги хизматга ҳозир ва нозир. Бироқ улар ернинг бетини силашга зор. Магазин ва омборларнинг қоровуллари бекорчиликдан шу бечора супургиларни пастга тушириб қўйишга қўллари тегмайди.

### САБЗИ ТАХТА БИЛАН ЭСКИ КАЛОШ

Сабзи тахта билан эски калошнинг бир-бирига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сабзи тахта қаерда-ю, эски калош қайда. Бири ўчоқ бошининг тўрида, иккинчиси эса даҳлизнинг пойгагида ёки ямоқчининг дўконида туради. Лекин гап шу «Дом деҳқон»нинг ўзида десак ҳам, ёнма-ён, қўшни-миён десак ҳам бўладиган бир чойхона (мудири Ш. Латипов) ва унинг самоварчиси ўртоқ Зокир Мўминов тўғрисида боради. Модомики шундай бўлгандан кейин чойхонадаги жамики ашёлар бир-бирларига бўлган ўзаро муносабатларидан қатъий назар, самоварчининг фаҳм-фаросатига қараб ўзаро аралашиб-



Зокиржон:
**— Бордан юқадн-да, пашшалар ҳам менинг давримда бир яйраб қолсин.**

қуралашиб кетаберар экан. Бўлмаса янги келган газеталар қизил бурчакнинг дийдорини кўрмай, бирор газетхонга илк сўзини айтмай туриб, сири кўчган, ювуқсиз сопол лаган билан оғиз-бурун ўпишиб ётармиди?

Чойхонанинг орқа томонига, анҳор бўйига ўтсак борми, ана ахлат-у мана ахлат. Ахлат устида ғужғон ўйнаётган пашшаларнинг сон-саноғи йўқ. Чойхонанинг этагида бир неча қозон қурилган ўчоқбоши, ундан сал нарида, анҳорнинг лабгинасида ҳожатхона. Унинг нишаби сувга олиб қўйилган. Фаҳм-фаросатсизлик билан қилинган бу номақулчилик кимни ғазаблантирмайди?! Шу сув шаҳардан ташқарига чиққанда, ҳали водопровод етиб бормаган жойларда ичилади-ку. Бу ҳақда нега ўйлаб кўрилмайди. Бундан ташқари ғужғон ўйнаган пашшалар чойхона ва ўчоқбошида қайнаб турган қозонларга озмунча микробни етаклаб келадими!

Самоварнинг жўмраги рўпарасида, самоварчининг худди тумшуғи остидаги подвал катакчада кирланиб, ёғи чиқиб кетган эски шим, моғол босган сочиқлар уюлиб, ис босиб, оқ қоралиги билинмай кетган, бутилка ва шиша банкалар думалаб ётибди. Худди шу катак остидаги подвалдан захкаш моғол ҳиди анқиб туради. Подвалда ифлос нарсаларнинг ҳаммасидан бор-да.

— Зокиржон, — деди ошхўрлардан бири, — сабзи тахтанг қаерда?

Катакни қаранг.

Ҳалиги киши қўл тиқиб, сабзи тахталардан бирини кўтарган эди, тахта билан бирга бир пой эски калош ҳам чиқди.

— Ия! Бу қанақаси?!

Чойхонада кулги кўтарилди. Зокиржоннинг нафаси ичига тушиб кетди. Тўрда ўтирган бир киши «афандининг бир пой ковуши» ҳақидаги латифани айтиб, кулгини авжига чиқарди.

### ЧОЙХОНАМИ ЁКИ МАЙХОНА...

Бир қарашда «зап чойхона эканми?» дейсиз. Қаранг-а, кумушдек суви мавж уриб турган чорбурчак катта ҳовузнинг атрофига, дарахтлар остига расамади билан қурилган сўрилар, уларга тўшалган қизил, кўк поёндозлар кўзни қамаштиради.

Ёшгина йигит тўрт шиша ароқни кўтариб ўтди-да, ҳовузга шилдираб оқиб тушаётган ариққа бостириб қўйди. Сўрида бодринг арчиб ўтирган қориндор, басавлат бир киши тўрда ўтирган ҳамроҳига ариқдаги ароқларни кўрсатиб, илжайиб қўйди. У одам «иш вақтида-я» деди-ю, яна бепарво пиёладаги чойини хўплайберди.



**Бир қарашда чойхона,**
**Кўзни очсанг майхона.**

Ёнимиздаги сўрида ўтирган улфатлар ўртасида ғала-ғовур кўтарилиб қолди. Сархушлик билан айтилган ўринсиз сўзлар, пулни писанда қилинган гаплар энди чойхона бўйлаб баралла эшитилиб турарди. Улфатлардан бири ўрнидан турди-да, шерикларига ножўя бир гап айтиб, сўридан тушди, ҳеч кимни писанд қилмай, гандираклаб бориб, бошқа бир тўпга қўшилди.

Шундан кейин хўплаб турган чойимизга хира пашша тушгандек табимиз тирриқ бўлиб, иккинчи чойнакдаги чойни шундай қолдириб ўрнимиздан турдик. Бу ердаги оммавий-тарбиявий ишлар билан танишмоқчи бўлиб, даставвал қизил бурчакни ахтариб топдик.

Қизил бурчак самоварнинг орқасидаги торгина шийпонга, тўғрироғи, бир катакка жойлаштирилган. Чойхонага кирган киши унинг қаерда эканлигини дарҳол билиб ололмайди. Столга тўшалган қизил алвонни ҳам, унинг устидаги беш-олтита эски брошюрани ҳам тўрт эллик чанг босиб ётибди. Бирорта ҳам янги газета ва журнал йўқ. Стол атрофида на стул бор, на скамейка. Оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларга эътиборсизлик билан қаралганлиги натижасида қизил бурчак ана шундай аҳволга тушиб қолган. Бу «Большевик» кўчасидаги 26-чойхона эди.

### ИДОРАДА ТЎРҚОВОҚ

Лойқаб оқаётган ариқдаги сувнинг шабадаси уриб турибди. Қатор сўрилар чойхўрлар билан тўлган.

Ўртадаги узун сўрида бир-бирига қараб, сукутга кетиб ўтирган «нозик табиатли» кўкнори ва гиёвонлар. Булар шу қадар хаёлга чўмганки, гўё шу пайт қанот чиқариб, «боғ-эрам»ларда парвоз қилишаяпти, Ҳар бирининг олдидаги алоҳида дастурхонча устида биттадан кунжутли нон, тўрт дона майиз, икки чақмоқ оқ қанд ва бошқа ширинликлар. Чойнак устига саҳтиён рўмол тўрт буклаб ёпиб қўйилган. Моғорлаб кетган халтача пиёладаги чойга солиниб, эзиб-эзиб лаззат билан ичилаяпти. Четроқда тиз чўккан бир киши белбоғининг қатидан гугурт чўпининг ярмисича келадиган, шилдироқ қоғозга ўралган бир нимани олиб ҳамроҳига мақтади.

— Гиёҳ деган мана шундай бўлади, мулла Нормат. Ярим пиёла чойга эзиб ичинг, уч кун кайф қилмасангиз бетимга туфланг.

Чап томондаги сўрида ўтирганларнинг сўзлари диққатимизни жалб қилди. Оқ яхтак кийиб, кўксини очиб олган турли ёшдаги кишиларнинг айримлари бир қўлига рўмолча ёпиб олган. Баъзиларининг қўли енг ичида. Кўплари эса қўлдаги беданани кўз-кўз қилиб, шавқ билан ўтиришибди.

Бу Чорсудаги 1- Куст идорасидан унча узоқ бўлмаган жарликда, хилватда жойлашган 58- чойхона эди. Биз бу ердан олган таассуротларимизни ўртоқлашиш учун Чорсудаги 1-Куст идорасига кирдик. Куст бошлиғи Раҳматхўжаев йўқ экан. Лекин деворда катта тўрқовоқ осиғлик турибди. Хўжайин ҳам ишқибозга ўхшайди, бўлмаса ташкилот идорасига тўрқовоқ осиб қўядими?



Беданабоз:
**— Башорвой дейман, хўжайиннинг беданаси салмоқи чиқиб қопти, «тезотар»идан топиб берсакмикан?**

### ҚИССАДАН ҲИССА

Шаҳар кезиб не-не чойхоналарни кўрмадик! Уларнинг таъриф ва тавсифини битсанг қоғоз, айтсанг сўз етишмайди.

«Илгари» маҳалласидаги чойхонани олайлик. Бу чойхонанинг икки қозон қурилган ўчоқбошиси билан ҳожатхона ўртасидаги парда девол ҳам қулаб тушган. Шу алпозда ҳар иккала қозонда овқат қайнатаётган шпаз-самоварчининг дид-фаросатига, табиатига «алҳазар» ўқишдан бошқа иложингиз йўқ. Бу парда девол ҳақида тўқилган латифалар Октябрь район ошхоналар трести раҳбарларига ҳали бориб етганича йўқ.

Аслини олганда чойхоналар адресига айтиладиган танқидий мулоҳазалар, қочирма гаплардан юқори савдо ташкилотлари ва трест раҳбарлари қулоғига бориб етганлари ҳам кўп. Савдо ташкилотларининг раҳбарлари билан гаплашсангиз «ҳар ойда 50 минг сўм оборот берадиган чойхоналаримиз ҳам бор», деб мақтанишади ҳам. Лекин бу чойхоналар халққа қандай хизмат қилаяпти, меҳнаткашларнинг маданий дам олиш жойига айлантирилганми-йўқми, чойхона қандай жиҳозланган, палосларнинг аҳволи қандай, чойнак-пиёлалар етарлими-йўқми, самоварчилар нима билан шуғулланиб, планни нима сотиш ҳисобига бажаришаяпти, масаланинг мана бундай томонлари трестдаги ўртоқларнинг тушларига ҳам кирмайди. Самоварчи чойхонада бодроқ қовуриб сотса ҳамки, оборот планини бажарса бас. Масалага ана шундай бир томонлама қаралиб келинаётганлиги натижасида шаҳримиздаги чойхоналар аянчли аҳволга тушиб қолган. Октябрь район ошхоналар трестига қарашли 82 чойхонадан 70 таси мутлақо талабга жавоб бермайди. Шундай чойхоналар ҳам борки, трест ҳисобига ўтгандан бери бирор марта ҳам ремонт қилинмаган. Самоварчиларнинг таъбири билан айтганда «трестнинг беш тангаси куймаган».

Меҳнаткашлар депутатлари Октябрь район Советининг ижроия комитети райондаги чойхоналарнинг аҳволини текшириб, кўпгина нуқсонларни аниқлади. Бу масалани ижроком мажлисида муҳокама қилди ва чойхоналарнинг ишини яхшилаш юзасидан тадбирлар белгилади. Лекин бу тадбирларнинг амалга оширилиши юқори савдо ташкилотларига ҳам бевосита боғлиқдир. Уларнинг бепарволиклари туфайли бу тадбирлар амалга оширилмаётир. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, шахсан ўртоқ Тоҳированинг бу масала билан жиддий шуғулланадиган пайти аллақачон келган. Ахир Тошкентдек жойда, яна шаҳарнинг ўзгинасидаги чойхоналарнинг ана шундай ачинарли аҳволга тушиб қолишига чидаб бўладими?!

**«Тошкент ҳақиқати»нинг рейд бригадаси:**
**Ҳ. СУЛАЙМОНОВ,**
**Октябрь район ижроия комитети маданият бўлимининг мудири.**
**А. МИРБОБОЕВ,**
**Н. НАСИМОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.**

